



Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунублик ҳолтимизда бир идишдан ғусл қилар эдик. Агар ҳайз кўрган бўлсам мени изор кийиб олишга буюарар эдилар ва мендан фойдаланар эдилар

Мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунублик ҳолтимизда бир идишдан ғусл қилар эдик. Агар ҳайз кўрган бўлсам мени изор кийиб олишга буюарар эдилар ва мендан фойдаланар эдилар. У зот эътикофда бўлсалар масжиддан бошларини мен томонга чиқарадилар, мен эса ҳайзли ҳолатда бўлсам ҳам, бошларини ювиб қўяр эдим», – дедилар.

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бўлган ҳолатлари ҳақида хабар бердилар. Улардан: Пайғамбаримиз билан бирга битта идишдан сув олиб ғусл қилишлари. У зот Оиша онамиз ҳайз кўрган вақтларида улар билан яқинлик қилмоқчи бўлсалар киндикдан тиззагача бўлган ўринларини ёпишга буюар ва ундан фойдаланар эдилар. Яна У зот масжидда эътикофда ўтирганларида бошларини Оиша онамизга чиқарап эдилар ва бошларини уйларида ҳайз ҳолларида ювиб қўяр эдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3476>

